

ГЕОГРАФИК МАЙДОНЧАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАЛАРИ

Олимова Азиза Абдуллаевна

ЧДПУ таянч докторанти

Географик майдонча география фанини ўқитишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Географиянинг айрим дарслари, хусусан табиий географик жараёнлар ва ходисаларни кузатиш, астрономик ҳамда гидрометеорологик ходисаларни ўрганиш махсус жихозланган географик майдончада амалга оширилади. Талабаларни аудиторияда олган билимларини аниқлаштириш, амалий кўникма ва қобилиятларини ривожлантириш, илмий тадқиқот усуллари билан таништириш, бир сўз билан айтганда, география таълими самарадорлигини оширишда замонавий географик майдончалар муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан, бугунги кунда географик майдончаларни ташкил этишга тобора эҳтиёж ортиб бормокда. Таъкидлаш ўринлики, фидойи, фанини эъзозлайдиган география ўқувчилари доим географик майдонча ташкил этишга уринадилар. Уларнинг айримларигина умумтаълим мактаблари ёки олий таълим муассасаларидагина шундай майдонча ташкил эта олган. Умуман олганда, географик майдончалар ва уларнинг жихозланиши бўйича умумий тартиб қоидалар мавжуд бўлиб, вақт ўтиши билан майдончага жойлаштириладиган қурилмалар, асбоб-ускуна ва мосламаларни такомиллаштириб бориш замон талаби ҳисобланади. Географик майдончада кузатишларни олиб бориш нафақат география балки, астраномия, физика, математика, табиатшунослик фанлари бўйича билимларга эга бўлишни талаб этади. Комплекс ўқув майдончаларни ташкил этишнинг ташаббускорлари ва ижодкорларидан бири Н.К.Семакиннинг фикрига кўра, ўқув майдончаларидан дарс жараёнида фойдаланиш кўплаб фанларни алоқадорлигини оширади, умумий қўлланиладиган жихозлардан самарали фойдаланишга олиб келади, дарсларни жонли ўтишини таъминлайди [1]. Географик майдончалар биринчи навбатда география таълимини олдида турган бир катор муаммоларни ечиш учун хизмат

қилади. Чунки, бу фанни ўқитиш жараёнида географик майдончада ўрнатилган ускуналар асосида бир қатор амалий ишларни ташкил этиш ва кузатишларни амалга ошириш катта амалий аҳамиятга эга. Географик майдончаларнинг ўқув ускуналари рўйхатини тузишда географлар биринчи навбатда илмий-педагогик маҳорат ва табиий жараёнларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, географик майдончанинг жиҳозланганлигини баҳолашнинг яна бир муҳим мезони унинг ўқув дастурига мос амалий машғулотларни бажаришга қулайлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, географик майдончалар ташкил этишда ихтиёрий таълим босқичида (хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари, олий таълим муассасалари) амалий машғулотлар ўтказиш имкониятини ҳисобга олиш лозим. Географик майдонча ҳақида бир қатор олимлар ўз фикрларини билдиришган. Масалан, А.Б.Сухорукова географик майдон моделини ишлаб чиқиш ва у ерда амалий машғулотларни ташкил этиш орқали ўқувчиларга бир қатор кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш мумкинлигини таъкидлайди. Жумладан, ўқувчиларга фазовий ориентерлаш кўникмаларни ривожлантириш, метеорологик ва астрономик объектлар ва ходисаларни кузатиш, географик маълумотларни ўрганиш, ер ости сувлари ва топография элементларини ўрганиш, табиий географик ходисаларни кузатиш ва ҳоказо [2]. У бунинг учун 40 дан ортиқ ўқув жиҳозлари ва макетлари, асбоб-ускуналар ҳамда табиий кўргазмали воситалардан ускуналардан фойдаланишни тавсия қилади. Н.К.Семакин томонидан ишлаб чиқилган географик ўқув майдончаси тўлиқ жиҳозланганлиги ва ўқув дастуридаги амалий машғулотларни тўлиқ қамраб олиши билан алоҳида аҳамият касб этади. У майдончада ўқув машғулотлари олиб боришни янада такомиллаштириб, бу жараёнга 50 номдаги ускуналардан фойдаланишни таклиф қилади. Шунингдек, олим ўқув географик майдонча билан бир қаторда, миллий иқтисодиётни ва иқтисодий географияни ўрганишда амалий аҳамиятга эга бўлган ўқув ишлаб чиқариш майдонларини яратишга ҳам асос солган. И.Н.Пучковнинг илмий изланишлари мактабларда агрометеорологик хизматларни ташкил этишга

бағишланган бўлиб, бундай кузатишлар давлат гидрометеорология ва табиий атроф-муҳитни назорат қилиш бўйича давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланган тавсияларга мувофиқ амалга оширилади ва олинган натижалар давлат гидрометеорология станциялари маълумотлар билан бирга қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этишда фойдаланилишини таъкидлайди. Майдончаларда комплекс ўқув илмий ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш зарурати мавжуд. Географик майдончаларни амалиётга жорий этиш улар воситасида ўқитишни ташкил этиш талабаларнинг таълимни фаоллаштиришга, дарснинг самарадорлигини оширишга, талабаларда билим, кўникма, малакаларни пухта эгаллашга катта ёрдам беради. Шу билан бирга, география ва табиатшунослик бўйича ўқув дастурларида келтирилган фанга оид компетенцияларни талабалар эгаллашида муҳим восита ҳисобланади. Чунки, география дарсларида табиат қўйнида бажариладиган амалий ишлар ва кузатув дарслари мавжуд. Хусусан, об-ҳаво элементларининг инструментал ўлчовлари, маҳаллий меридианнинг йўналишларини белгилаш, кунга қараб вақтни аниқлаш ва уфқ томонларини белгилаш кабилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, таъкидлаш ўринлики географик майдончада баъзи ўқув машғулотларни ташкил этиш имконияти ва вақти чекланган. Хусусан, геологик-геоморфологик ва гидрологик кузатишларни ўрганишда, топографик план олиш каби машғулотларни географик майдончада эмас балки, амалиёт ўташ ҳудудлари ёки экскурсиялар шаклида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мсалан, рельеф алоҳида шакллари моделилаштириш орографик схемалар гидрологик объектлар (дарё, кўл, музликларнинг макетлари) талабаларни ўзига жалб қилади ва қизиқишини ортиради. Бироқ уларга ушбу тушунчаларнинг моҳиятини англашга ёрдам бермайди. Шунинг учун ҳам дастлабки назарий билимлар талабаларга аудиторида берилади, сўнгра географик майдончалар ёки табиат қўйнида амалий машғулотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Семакин Н.К. Географический кабинет и учебная плоўадка в школе М., 1973, с.15-16.
2. Сухорукова А.В. Работа на географической площадке, 1970. с.4-5.